



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 23 июн, чоршанба № 101 (1734)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июн кuni Оқсаройда Украинанинг Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университети ректори Виктор Скопенкони қабул қилди.

Бу йил кузда 170 йиллигини нишонлайдиган мазкур университет таркибида ўндан зиёд факултет, қатор институтлар, илмий марказлар, расадхона мавжуд. Унда 20 мингдан зиёд талаба тахсил олади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Украина олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётганини ва Киев миллий университетида нфузали илм даргоҳига эга бўлиш ҳар қандай давлат учун қатта шараф эканлигини таъкидлади.

Киев миллий университети мамлакатимиз олий таълим муассасалари, хусусан, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ҳамкорликда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари ўтказилиб, талабалар алмашши, ўқитувчи кадрлар малака ошириши кенг йўлга қўйилган.

Виктор Скопенко қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Киев миллий университети

илмий кенгаши Ўзбекистон-Украина муносабатларини ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари, икки мамлакат олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини кенгайтиришга қўшган беқиёс ҳиссаси, кадрлар тайёрлаш масаласини давлат сийсати даражасига кўтариб, бу соҳага кўрсатилган қўллаб-қувватлаш учун Президент Ислам Каримовга мазкур университетнинг Фахрий доктори унвонини беришга қарор қилганини маълум қилди. Мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда Фахрий доктор дипломини топширди.

Президент Ислам Каримов эътироф ва эътибор учун миннатдорлик билдириб, Ушбу унвон таълим соҳасидаги икки томонлама муносабатлар ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятлари билан бир қаторда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар йўлидаги ютуқларнинг ҳам эътирофи эканлигини таъкидлади.

(ЎЗА)

КИЕВ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украинанинг Киев миллий университети ректори Виктор Скопенко Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди. Мулоқот чоғида томонлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Додимов билан учрашувда икки олий ўқув юрти ўртасида ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш уюшадан фикр алмашилди.

В.Скопенкога Ўзбекистон Миллий университети Фахрий доктори унвони берилди.

(ЎЗА)



М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Фарғона вилояти ҳоқимлиги ветеринария бошқармаси жамоаси барча турдаги ҳайвон ва паррандаларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, касалланган ҳайвонларни вақтида даволашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Албатта, бу жамоанинг асосий вазифаси. Лекин чорвачилик маҳсулотларининг сифати ветеринария-санитария талабига мў бўлиши уларга қатна масъулият юкламоқда. Шу ҳудуд вилоятидаги барча қишлоқ фуқаролари йиғини худудида ветеринария шохобчалари ташкил этилди. Бунинг натижасида жойларда чорва ҳайвонларига ветеринария хизмати кўрсатиш янада яхшиланди.

Суратда: лаборант Нигора Тўланова

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ АЁЛЛАР МАНФААТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИФОДАЧИСИ ВА ҲИМОЯЧИСИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Авал хабар қилинганидек, 21 июн кuni Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни очар экан, Президент Ислам Каримов, аввало, ана шу фармон нима учун қабул қилинди, унинг бош мақсади нимага қаратилган ва ушбу ҳужжатда белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда нимага эътибор қаратиш керак, деган саволларга жавоб топширди ва шу ҳақда фикр алмашиб олишимиз зарур, деди.

Бу масала биринчи гада хотин-қизлар қўмитаси нима учун ташкил қилинган, у нима учун керак, деган муҳим бир саволни ўртага қўйилган бўлиши талаб қилади. Бу савол қандай галати туюлмасин, унинг замирида жуда қатна маъно бор.

Шу нуқтага назардан қараганда, хотин-қизлар қўмитаси ўзда аввало жамоатчилик ташаббусини муҳассас этадиган тузилма, деб таъкидлади Президентининг. У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузилган бўлишига ташкилотлари орқали аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Агарки, биз эртанги кунимизни чуқурроқ тасаввур этадиган бўлсак, Хотин-қизлар қўмитасининг фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Биз фуқаролик жамияти ҳақида кўп гапирармиз, аммо, очик айтиш керак, унинг маъно-маъмуни, шакл-шамойилини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси - бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат.

Биз ўз олдимишга қўйган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси мана шу ва шунга ўхшаш жараёнларда ўз ифодасини топиши зарур.

Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда қатна аҳамият берилиши беҳиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажиги бўлмаслиги ҳақида, ўйлаيمانки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Албатта, мана шундай интилишларни амалга ошириш мақсадида давлат, давлат тизими ва ҳокимият четда турмасдан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сийсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссасини қўйиши керак.

Ҳисси, қисқа қилиб айтганда, хотин-қизлар ҳаракатининг жойлардаги ва марказдаги фаолиятини ўзда муҳассас этган Республика Хотин-қизлар қўмитаси ишида оқорида зикр этилган икки йўналиш йўғунлашган бўлиши лозим.

Афсуски, бизда ҳанузгача Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолияти ва мақсадини айнан шундай тушуниш етишмаяпти, деди Ислам

бўлмиш хотин-қизлар ташкилотларидан чиқши керак, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Бу қўмиталарда фаолият олиб бораётганлар жамоатчилик олдида, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдида амалда ҳисоб бермайди. Бу мутлако нотўғри. Туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида хотин-қизлар қўмиталарининг жамоатчилик олдида - делегатлар олдида эмас, балки хотин-қизларнинг жамоатчилик ташкилотлари олдида мунтазам ҳисобот бериб туришини таъминлайдиган тизим жорий этилиши лозим.

Хотин-қизлар қўмиталарининг ахборот ва матбуот хизматлари билан алоқалари ҳам талаб даражасида эмас. Аёллар ҳаётини ёритадиган матбуот нашрлари қандай мавзу ва муаммоларни кўтариб чиқаётгани, улар ўз ўқувчилари, биринчи навбатда, ёш хотин-қизларга қандай таъсир кўрсатаётгани, уларнинг фаолиятга танқидий баҳо бериш масалалари ҳам мазкур қўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Бугунги кунда юртимиз аёллари ҳаётининг барча соҳаларида - ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, тадбиркорлик, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари, жамиятдаги мавқеи ҳам ўзига хос ва турлича бўлиши табиий.

Масалан, уларнинг маълум бир тоифаси шаҳар, туман ва республика миқёсидаги турли тузилмаларга тайинланган ёки сайланган аёллар бўлиб, улар, минг афсуски, асосан ўзларини, ваколатини намойиш қилишга, бошқа аёллардан ажралиб туришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолат бизда мавжуд ва уни очик айтишимиз керак.

Яна бир тоифа - хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, тадбиркорлик, тижоратчилик фаолиятида ўзи учун қўлай имконият ва имтиёзлар вратишга, ўз манфаатларини таъминлашга ҳаракат қиладиган аёллар. Уларнинг сафи бугунги кунда тобора кенгайиб бормоқда ва биз уларга ўрта синф вакиллари сифатида қарашини, тегишли ёрдам ва қўмақ беришимиз лозим.

Айни пайтда хотин-қизлар, аввало қишлоқларда яшаётган опа-сингилларимиз орасида бизнинг эътиборимиздан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган аёллар борлигини ҳам таассуф билан тан олишимиз керак, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Табиийки, ҳаётда бўшлиқ бўлмаганидек, бундай хотин-қизларга ўзига хос таъсир кўрсатишга уринадиган аёллар ҳам топилади. Улар тўймаърақалар, турли урф-одат, дафн ва бошқа маросимларда кўпчилик бош-қош бўлиб, ишбошлик қилади. Уларнинг номини отини оидейми, дастурхончи ёки кайвони дейдими, ҳар бир маҳаллада учрайдиган бундай аёлларсиз ҳаётда қўпгина юмушлар битмайди.

Биз бир нарсани ҳисобга олишимиз даркор. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини - ҳаммамиз учун муқаддас, халқимизнинг асосий қисми шу динга эътиқод қилади. Шу дин билан боғлиқ урф-одатларга мусулмон фарозандлари сифатида барчамиз ҳам риоя қиламиш. Бу - инкор этиш бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, маҳаллалар хотин-қизлари орасида ана шу урф-

нинг бош шarti оилага бўлган эътибор билан белгиланади. Бу ўринда гап оилада болалар тарбияси учун яратилган шароит, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш ҳақида бормоқда. Қайси оилада муҳит соғлом бўлмаса, ўша ерда ахлоқи бузуқ, ноқобил болалар пайдо бўлиши барчага аён.

Шу масалаларни ечиш учун хотин-қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил қилиш лозим. Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини - бу маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши керак.

Лекин бу ўта муҳим масала фақатгина ана шу ташкилотларнинг вазифаси эмас. Ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақиданарастлик, гийҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишда, фарзандларимизни бундай бало-қазолардан асраш учун қурашда, доимо сезгир ва оғоҳ бўлиб яшашда ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, хусусан, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» маркази, кенг жамоатчилик, барчамиз таълимимиз, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг социал ва ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига ҳам атрафлича тўхталиб ўтди.

Бу борада хотин-қизларнинг сайланган, вакиллари ва бошқа давлат ҳокимият идораларидаги кенг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Жамиятимиздаги биллимон, ҳаёт маъмунини тўғри тушунадиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллари идораларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, уларга кенг йўл очиб бериш керак.

Шу борада нодавлат жамоат ташкилотларини ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб, Президентимиз уларнинг мақоми ва имкониятларини мустаҳкамлаш, юзага чиқадиган муаммоларининг ечимини топиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлигини айтиб ўтди. Шу йўналишнинг ҳал қилувчи масалаларидан бири - бу хотин-қизларнинг таълим ва малака даражасини ошириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон бугун бутун дунёда ўзига муносиб оғру-эътибор қозонмоқда, деди Юртбошимиз ўз сўзини давом эттириб. Бу жараённинг узвий ва ажралмас қисми - опа-сингилларимиз, қизларимизнинг халқроқ майдонга чиқишида намўён бўлади. Бунда, айниқса, хотин-қизлар қўмиталари, аёллар ташкилотларининг халқроқ хотин-қизлар ҳаракатида, гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда фаолият олиб борадиган ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш беиҳсо қатна аҳамиятга эга.

Ана шу долзарб масалаларни оқилона ҳал этиш орқалигина биз ўз олдимишга қўйган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш вазифасини ҳал этишимиз, эзгу мақсад-муддаоларимизга етишимиз мумкин, деб таъкидлади Президентимиз пировардида.

(ЎЗА)

Биз касабамиз уюшма ташкилотига суянамиз, у ҳар жабҳада елкадош, бақамти турнишни истаймиз, - дейишда янги шароитда қайта ташкил этилаётган бошланғич ташкилот йиғилишида иштирок этган фермерлар...

Ховос туманидаги «Пахтакор» қишлоқ ҳўжалиги ширкати фаолиятига ҳам иқтисодий ноқорлик чек қўйди. Бу ерда ҳукумат қарори асосида фермер ҳўжалиқлари бирлашмаси ташкил этилди. Ерлар тендер асосида 102 та фермер ҳўжалиқларига тақсимлаб берилди. Мулк эгасини, деҳқон диласини топди. Аммо ечимини қўтаётган биргина муаммо мувапқ турарди. Фаолиятини дала ишчиларини ижтимоий-иқтисодий ҳақда ҳўқуқий ҳимоялашни таъминлашга қаратаётган касабамиз уюшма ташкилотини бундай шароитда қандай фаолият кўрсатади? Далада ишлаётган одамлар меҳнат муносабатларидан одил ҳоким-

ликни ким зиммасига оларкин? Тўғри, «Пахтакор»да касабамиз уюшма ташкилоти бор эди. Унинг фаолиятига ҳеч ким тўсиқ ҳам бўлмади. Ҳамкорлик қилишдан бош торгани ҳам йўқ. Бирок ташкилот етакчисини хал қилувчи паллада ўзини чеклаб олди. Атрофиди рўй бераётган янгиликни томошабин сифатида кузатди, ҳолос. Охир-оқибатда меҳнатқашлар манфаатини ҳимоялашда мувапқ бўлиш пайдо бўлди.

Аграрноат мажмуи ҳодимлари касабамиз уюшма вилоят қўмитаси юзага келган узиллиш урнини босиб, жамоат ташкилотини мавқенин тиклаш ташвишига тушди. Қўмита тақлифига биноан «Пахтакор»да худудий бошланғич касабамиз уюшма

ОБРУЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИГИЛАДИ

Ташкилотини тузиш, у фуқаролар йиғини таркибида фаолият юритиши мақсадида мувофиқ деб топилди. Ниҳоят фермерлар, бу ишга дахлдор кишилар бир жойга йиғилиб, фикр-мулохазалар ўртага ташланди. Касабамиз уюшма ташкилотини бундай қандай бўлиши керак? Иш бериучи билан қай йўсинда амалий алоқалар боғланиши? Эътироф этиш зарур, собик касабамиз уюшмадан қандай хотирлар қолди. У ўз номига муносиб иш қила олдимиз? Аввало ана шу ҳуқуқда фикр-мулохазалар, айниқса, ҳўжалиқда ишлар орта кета бошлаб, муаммолар боғлашга, касабамиз уюшма етакчисини ҳам одамлардан узоқлашга бошлади. Ваҳоланки, у ана шу лаҳзада деҳқонларга кўп йиллик қарз, тевақар атрафдоғи ҳўжасизликлар ва бошқа кўплаб муаммолар олдини олиши, ишчилар сафида туриши лозим эмасмиди? Таассуфки, бундай бўлиб чиқмади. Одамлар кейинги уч йилда касабамиз уюшма ташкилотини унабиш даражасига етишди.

Биз бу фикрларни ҳаводан

Касабамиз уюшмалари янгиликни ҳимоя қилишда

гани узадиган ўта ишчан кишини етакчи этиб сайлашни тақозо этарди. Кўрсатилган икки номзоднинг бири ёш, ишлаб чарчас нималгини билмайдиган Мурод Тўйчиев эди. Пахтакорликлар демократик тамойиллар асосида иккинчи номзодга энг кўп овоз беришди. Собик касабамизга эса ишонч билдирилмади.

Ташкилий жараёндан сўнг фермерлар гўёки ўз ҳўжалиқидан ёхуд даладаги муаммога ечим топадиган мамнун эдилар. Шу боис улар фикрини олиш, касабамиз уюшмага муносабатини билиш мақсадида сўхбатга тордик.

— Меҳнат муносабатларини тартибга солишда, ҳўқуқий маслаҳатларга зарурат туғилганида, энг аввало касабамиз уюшмага таннамиз, - дейди

фермер ҳўжалиги сардори Султон Саримсоқов. - Қайта ташкил этилган ташкилот ишончлигини оқлашга ишонамиз. Бунга асос бор. Энг аввало, касабамиз уюшма тўла мустакил ҳолда ишлайди. У бемалол жамоат шартномаси ижросини таъминлаши мумкин. Қолаверса, биз ўзимиз уни танладик. Ҳаракат дастури ҳам бизга жуда маъқул.

— Касабамиз уюшма ташкилотини тузишга заруратининг туғилиши, фермер ҳўжалиқлари раҳбарларининг ташкилот фаолиятига қўйилган алоқалар билан ёндошишининг ўзбек таъсирини лойиқ, - дейди Аграрноат мажмуи ҳодимлари вилоят қўмитаси бўлим мудири Бахтиёр Йўлдошев. - Шунинг учун барча масалаларни уларнинг ўзларига қўйиб бердик. Етакчини ҳам

ўзлари танлаб, унинг атрофига жипсладилар.

Дарҳақиқат, бугун юқоридан тавсия қилинадиган, ишончли оқламайдиганлардан воз кечилмади. Қолаверса, мулк шакли ўзгараётган бир шароитда одамлар касабамиз уюшма ташкилотининг урнини аниқлаб етишди. Улар бугун ким уни бошқариши қобилиятига эга, ким билан хайр-мазур қилиниши даркорлигини ҳис этишапти. - Баъзи ҳолларда етакчидан қўнғиллари қолганлигини ҳам яшириб ўтиришмайди. Бу ҳақиқат «Пахтакор» фермер бирлашмасидаги қайта ташкил этилган касабамиз уюшма ташкилотини йиғилишида яна бир қарра исботини топди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Мухбир нуқтаи назари

МУРОСАСИЗ БЎЛИШ ОСОНМАС

Касабақум раиси Эркин Абдуллахоновнинг бир неча кундан буйён еган-ичгани татимайди. Сабаб, пахта тазалаш хиссадорлик жамиятидаги 1000 нафарга яқин меҳнатчи иш ҳақини ололмади...

Унинг таъшиланганича бор. Чунки корхонада 2004 йилнинг биринчи январь ҳолатига иш ҳақидан катта қардорлик мавжуд. Нуронийлар, болалик оналар ўзларига тегишли нафақа пулларини ололмади, гоҳ касабақум раисини, гоҳ корхона бошқарув ҳайъатидаги иш ҳақидан қардорликка эришган бўлишди...

Мана, корхона бошқарув ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бормоқда. Унда касабақумнинг иш ҳақидан қардорликка эришган бўлишди...

Раис қатъий йўл тутди. Қўқон пахта тазалаш корхонаси маъмуриятини иш ҳақи тўловларидаги қонунбузарлиги учун ҳўжалик судига даъво аризаси тайёрланаётган...


лар рўй берди. Касабақум раиси Қ.Абдурахмонов раёсат номидан туманининг собиқ ҳокимига ариза билан чиқди. Масала...

Тармоқ қўмитасининг тумандаги маъвои доим сезилиб туради. Бугунгача ишдан асоссиз бўшатишган 3 нафар фуқаро қайта ўз вазифасига тикланди...

Тармоқда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан амалга оширилаётган хайру саховат юмушлари кўнгилдадигдек. Кам таъминланган оилаларга 6,5 миллион сўм афрофилик қилган галлакорлар камиди 50 центнерлик маррани кўзал меҳнат қилгандир...

Қўмита иш ҳақи ва азалик бадали тўловлари бажарилиши бўйича ҳўжалик субъектлари 13 та оғохлантириш хати билан чиқди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



«Фалла — 2004»

ҒОЛИБЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВГАЛАР

Бу йил Қашқадарёда 230 минг гектар майдондаги фалла ҳосили барвақт етилди. Урим-йиғим комбайнлари мавсумга барвақт ҳозирлиниб, далаларга олиб чиқилди.

Вилоят «Уруғназоратмарказ» директори Ҳасан Фармонови Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» ҳўжалигининг Қўчқор Рўзиев раҳбарлик қилаётган оилавий пудратчилар даласида учради. 13 гектар майдонда деҳқончилик қилган галлакорлар камиди 50 центнерлик маррани кўзал меҳнат қилгандир...

Хосилини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш бўйича дастур ишлаб чиқилган, — дейди туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлим бошлиғи Фулом Тўракулов. — Унга асосан галлакорларни рағбатлантириш тадбирлари белгиланган. Агронавт мажмуи ҳодимлари касаба уюшма туман қўмитаси ҳокимлик билан биргаликда биринчи бўлиб шар-

номавий режани уддалаган ҳўжалик видео иккилик билан тақдирланади. 2- ва 3-ўринни эгаллаган ҳўжалик галлакорларига рангли телевизор билан бирга сихатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

Энг юқори кўрсаткичга эришган комбайнчилар рангли телевизор ва қимматбаҳо совғаларга эга бўладилар.

Туманда 7200 гектар майдондаги ҳосилни қисқа муддатларда саранжомлаб олиш учун 11 та «Кейс» ва 44 та Россия комбайнлари сафарбар қилинган. «Гулистон», Болта Фозилов номли, Навойи номли, «Кеш» ҳўжаликлариде ҳосилдорлик 45-50 центнердан тўғри келмоқда. Урим-йиғимда иштирок этганлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мақсад — пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни сифатли қилиб саранжомлаб, халқимиз дастурхонини тўқин қилиш.

НУРБЕК Суратларда: Пудратчи Қўчқор Рўзиев ва комбайнчи Рўзимурод Норовлар; ўрим пайти.

Бозор — юрт кўрки

ТЎКИНЧИЛИК

Бугунги бозорларимиз эса тамомила ўзгариб кетди. Агар Наманган шаҳридаги «Чорсу» деҳқон бозорига борсангиз, бу ердаги ободончилик, сарамжон-саришталлик, деҳқонларга бўлган эътибор, айниқса, ҳодимларнинг маданияти ва ҳўшмуомалалигининг гувоҳи бўласиз. Яқин ўтган 3 ой ичида барча савдо рашталари тўла таъмирдан чиқарилиди. 100 ўринли янги нон раштаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий савдо рашталари қад ростлади. Бозор ичидаги мавжуд ташландиқ икки ҳовуз тубдан қайта таъмирланиб, одамлар хордиқ чиқарадиган масканга айланди. Бозор ҳудудини ўйчи кўчаси билан боғлайдиган жойда автомашиналар бекати ташкил этилди.

зорнинг шимолий ҳудуди янада кенгайиб, 200 та янги савдо ўринлари қуриш имконияти яратилди. — Маъмурият томонидан молиявий ишлар ҳам намунали йўлга қўйилди. Иш ҳақларини ололмайд келаётган ҳодимларнинг маоши бир йўла тўланди. Фаолиятимизнинг тубдан яхшиланиши, бу ерга келиб-кетувчиларнинг ортиши нафақат кунлик касса тушумини ошишига, балки ҳодимларнинг моддий-маънавий рағбатлантириш имконини ҳам берди, — дейди деҳқон бозори очик турдаги хиссадорлик жамияти раиси Фаҳриддин Шарипов. — Бундан ташқари, бозор маъмурияти шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган иш уқинидаги Мулло Қирғиз тарихий обидасини ободонлаштиришга катта ёрдам қўрсатишмоқда.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» муҳбири

ИШДАН СЎНГ СТАДИОНГА

Шаҳрисабздаги «Қумуш» Ўзбек-Британия қўшма корхонаси бундан 3 йил илгари Қашқадарёда иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналардан бири эди. Лекин, кейинги икки йил давомида меҳнатга бўлган муносабат пасайганили сабабли иш орқага кетганди. Корхона раҳбари Шавкат Холмуродов ва бошқа мутахассислар бу камчиликларни ҳар томонлама пухта ўрганиб, уни тузатиш чораларини кўришди. Бош муҳандис Абдували Соликов, цех бошлиқлари Топилўлат Полянов, Баҳром Сатторовлар сўй-ҳаракати билан 105 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар келтириб, буғ қозони таъмирланди. Унга сув ва мазут етказиб берувчи насослар ўрнатилди.

Бундан ташқари, Япониядан келтирилган 17 та дастгоҳлар ҳам таъмирдан чиқарилди. Ҳозирги вақтда ушбу техникалар билан бир кунда 1000-1200 килограмм пилла қайта ишланмоқда. Маҳаллий пилла уруғининг сифатсизлиги натижасида Хитойдан 2004 йил учун 41 минг 420 қути ипак қурти уруғи келтирилиб, жойларга тарқатилди.

Натижада корхона маъмурияти билан жорий йилда АҚШнинг Трестен-Холденг (LLS) компанияси ўртасида 80 фойз маҳсулотни сотиш бўйича шартнома тузилди. Бунинг учун бу компания жамиятга 593 миллион 146 минг сўм бунак тарихасида пул ўтказди. Ушбу маблағ ҳисобидан ишчиларга 108 миллион сўм иш ҳақи учун тўланди. Бундан ташқари, «Ўйжойамгарма-банк»дан 73 миллион сўм кредит олинди, Шаҳрисабз пиллакорларига хомашиё сотиб олиш учун олдиндан тўланди.

Қўшма корхона — хориж ишончи

Корхона жамоаси жорий йилда 205,5 тонна хом ипак ишлаб чиқариб, 92,5 миллион сўм фойда олиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этмоқда. Ҳўжаликлардан дастлабки пилла ҳосилини қабул қилиб, лаборатория таҳлилидан ўтказганда, янги хориж навидан энг яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилганили аниқланди.

Амалга оширган барча тадбирларимиз қувонарли натижалар бермоқда, — дейди жамият раиси Ш.Холмуродов. — Корхонада янги технологиядан самарали фойдаланганилимиз туфайли мўлжалдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган. Бу билан хом пилла сифатини яхшилаш қаторида маҳсулотнинг таннари арзонлашиб, меҳнат унумдорлиги тобора ортмоқда. Жорий йилда об-ҳавонинг қулай келиши ҳўжаликларда пилла сифатини яхшилаш ва ҳосил эрта пишиб етилишига имконият яратди.

Корхонада ишни намунали йўлга қўйилишида цех бошлиқлари Топилўлат Полянов, Баҳром Сатторов, ишчилардан Иқболлой Абдуллаева, Хайринисо Хўжаева, республика кўрик-танлови ғолиби Гуласал Қуватовва, Фулқор Узоқовларнинг муносиб ҳиссалари бор. Ишчиларга шарт-шароитларни тўлиқ яратилганили меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Кам таъминланган 241 та оилага икки марта моддий ёрдам берилди. Корхона қарамогидеги уйларида яшовчилардан 20 та оила иқтисодий томондан камхарж бўлганлиги сабабли тўлов пуллари 50 фойзга қаматтирилган. Касаба уюшма раиси Акбар Назаровнинг ташаббуси билан Янги йил, Хотира ва Қадрлаш кўни байналмилал жангчилар, меҳнат ва уруш фахрийлари учун дастурхон тузалиб, бир пилла чой ташкил этилди. Уларга совға-салом улашилди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Китоб шаҳридаги «Меҳрибонлик ўйи» болаларига 364 минг сўмлик совғалар, 438 минг сўмлик турли хил маҳсулотлар берилди. Ишчи-хизматчиларга икки марта бепул оқватлантириш ташкил этилган. 2 та ошхона ва 2 та чойхона, тиббий пункт, маънавий хоналари ишчиларга хизмат кўрсатмоқда. Ишчилардан 8 нафари санаторийларда даволанди. 70 та оила фарзандлари оромгоҳларда корхона ҳисобидан дам олишди.

Корхонада стадион, спорт зали мавжуд. 50 нафар болалар халқаро тоифадаги спорт устаси Холбобо Авлакулов, 2 қарра Ўзбекистон чемпиони Элбек Танибердиев етакчилигида миллий кураш машғулотлари олиб боришмоқда. Қодир полков Пўлатов, Зокир Шарипов, Фарход Хўжаев ҳам бўйича Осие чемпионилигини қўлга киритишди. Еш ўсирилардан Камол Ерматов Осие чемпионатининг Қозоғистонда ўтказилган самбо мусобақасида учинчи ўрин совридорли бўлди. Улуғбек Пирназаров эса республикада ўтказилган самбо мусобақасида III-ўринни эгаллади.

Хайрулла ТЎРАЕВ



Бугунги кунда мамлакатимиздаги 34 та саховат ва мурувват уйлари мавжуд. Уларда 8 минг нафардан зиёд ногиронлар, ногирон болалар ва ёлғиз қариялар давлат таъминотидан фойдаланмоқда.

МЕҲР КЎРСАТИБ

Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, болаларнинг мурувват уйларида тиббий-ижтимоий характердаги кўпгина профилактика ишлари мунтазам олиб боришмоқда. Булар диспансеризация, бир мақсадга йўналтирилган соғломлаштириш, тиклаш дастурларини рўйбга чиқариш, витаминлар ва фитоте-

кейинги пайтларда халқаро World Concern инсонпарварлик ташкило-

рапия усулида даволанди иборатдир. Ногирон болаларга атроф-оламни англаш, ўз-ўзини парваришлаш ҳамда бошқаларга ҳам ёрдам беришнинг энгил дастурлари бўйича таълим бериб боришмоқда. Улар кийим-кечаклар, пойабзал ва кўрпа-тўшаклар билан таъминланмоқда. Шунини айтиш жоизки, «Туркистон-пресс»

Бугунги кунда ўзбек мусаввирлари, хунарманд ва усталарининг маҳорати жаҳон миқёсида ўтказилаётган кўргазмаларда тобора кенг эътироф этилмоқда.

Ҳозирги вақтда «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш марказида фаолият олиб бораётган қўлгил усталар неча минг йиллик бой маънавий меросимиз, қадриятларимизни қайта тиклаш, халқ амалии санъати ва хунармандчиликни ривожлантириш, қадимдан эъзозлаб келинган «Устоз-шоғирд» аъналарини давом эттиришдек хайри мақсадлар йўлида

фаол меҳнат қилмоқда. Қулочиликнинг барча йўналишлари — терига бадий ишлов бериш, бадий тўқимачилик, матога гул бошиш, бадийи каштачилик, мисгарлик, қандакорлик, миллий мусика асбоблари ясаш, миниатюра санъати тобора юксалмоқда.

Суратда: хунарманд усталар (чапдан) Абдураҳим Қосимов ва Рашид Тўхтаев. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Мустақиллик кўпчилиги қатори бизга ҳам талайгина имкониятларни туҳфа этди. 2000 йили оиламиз билан биргаликда 2,7 гектар ерда яхши ниятлар ила «Қурбон-ота» деҳқон-фермер ҳўжалигини ташкил этдик. Табиат инжиқлиги туфайли дастлабки йилдаёқ сувсизлик муаммосига дуч келдик. Лекин аҳволнинг ўнгиланиб кетишига умид бўлади.

Аъзоларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилишимиз натижасида бирмунча ютуқларга эришдик. Шу йили Хива ширкат ҳўжалиги туғтилиб, менга қўшимча ер берилди. Айни пайтда жами бўлиб ер майдонимиз 25,5 гектарни ташкил этади. Ҳўжалигимизда ҳозирги кунда 15 нафар киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилда 20 гектар ерга «Хоразм-127» нави уруғлик пахта экилди. 5,5 гектарда эса полиз, сабзавот ва бошқа экинлар етиштирилмоқда.

Ўз ўрнини топган кишилар

Ўтган йили 11 миллион сўм даромад олинди, шундан 2,5 миллион сўми соф фойдани ташкил этди. Бу даромаддан кишлоқ аҳолисига маънавий хизмат кўрсатишни яхшилашга сарфламоқчимиз. Ҳудудимизда 10 минг нафар киши истикомат қилди. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида бу ерда сутни қайта ишлайдиган цехни қуриб, ишга туширдик. Бугунги кунда кишлоқдаги ҳар бир хонадонда кўй, эчки, сизир ва парранда мавжуд. Табиийки, уларни боқиб учун озуқа талаб қилинади. Ана шу эҳтиёжнинг қондириш мақсадида кунга 10 тонна омухта ем ишлаб чиқара оладиган кичик корхона фаолиятини йўлга қўймоқчимиз. Бундан ташқари, кунга 15 минг дона хом гишт тайёрлайдиган цех ҳам ишга туширилди. Яқинда автоматизацияга техник хизмат кўрсатувчи сервис шохобчаси очилиб, қўллаб янги иш ўринлари яратилди.

Ҳўжаликда МТЗ-80 русумли иккита мини трактор бор. Келгуси йилда лизинг асосида яна бир неча техника олиш режалаштирилган. Матқарим ҚУРБОНОВ, Хива туманидаги «Қурбон-ота» фермер ҳўжалиги раҳбари.

ТЕНДЕРДА ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Сариосиё туманидаги «Тўполанг» сув омбори ва ГЭС қурилиши масъулияти чекланган жамияти қурувчилари Наманган вилоятида қуриладиган «Резаксой» сув омбори қурилиш тендер танловида ғолиб бўлишди. Ўтган йил охирида бажарилиши лозим бўлган биринчи босқични қуриш бошлаб юборилди. Бугунги кунда бу ерда жамиятнинг қўллаб техника воситалари билан бирга 240 ишчи-ҳодимлари икки сменада иш олиб боришмоқда. Ишчилар 2 йил мобайнида 50 миллион метр куб сизимга эга қурилиш ишларини битказишлари лозим.

Корхона касаба уюшма қўмитаси ва раҳбарият томонидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қурувчиларнинг овқатланиши ҳамда махсус кийим-бош билан таъминлаш корхона ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Х.КОДИРОВ, «Ишонч» муҳбири

«Ишонч» фойш этади

Маҳкамасининг «Республикада» 2004 йилда нефт, нефт маҳсулотлари ва табиий газ ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда Ана шундай камчиликлар аниқланди. Шу жараёнда уларни бартараф этиш чоралари

дир. Ўтказилган текширишларда Пахтачи туманидаги «Октепа» ширкат ҳўжалигининг ёқилги-мойлаш маҳсулотлари омбори мудирини Х.Ерқуллов 138 минг сўмлик маҳсулотни ўзлаштиргани аниқланди. Шу тумандаги Т.Кенжаев номли ширкат ҳўжалигининг омбор мудирини О.Эшдавлатов эса 690 минг сўмлик маҳсулотни гумдон қилган.

Бу каби жиноятга Булунғур туманидаги «Чўянтёпа» ширкат ҳўжалиги омбор мудирини Р.Норматов ҳам қўл урган. У ҳўжалик бош ҳисобчиси А.Ўлжаев билан тил бириктириб, ёқилги-мойлаш маҳсулотларини тарқатиш варақаларига ҳайдовчилар номидан қалбаки имзо чекиб, 735,7 минг сўмлик ёқилги-мойлаш маҳсулотларини ўзлаштиришган. Улар талон-торож қилган 4,6 тонна дизел ёқилгиси 400-450 гектар майдонга бир марта ишлов бериш учун етарли бўларди. Ишловдан қолган экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши билан ҳўжалик янада кўпроқ зарар кўради. Юқоридаги каби салбий ҳолатлар Иштихон, Қўшабот туманлари, Каттақўрғон шаҳридаги бир қатор ҳўжалик ва ташкилотларда ҳам мавжудлиги аниқланди. Айбдорларга нисбатан маъмурий, интизомий жазо чоралари қўлланилди. Ўта қўпол қонунбузарлик ҳолатлари бўйича 12 та жиноий иш қўзғатилди.

А.БОЙМАТОВ, адлия кичик маслаҳатчиси

НАФС БАЛОСИ ИНСОННИ ЭЛДАН АЙИРАДИ

Техника тараккийти юқори поғонага кўтарилган, иқтисодий-ҳўжалик алоқалари қўланиш мислиси кенгайган ҳозирги даврда транспорт воситалари халқ ҳўжалигининг муҳим бўлини, асосий «кон томир»га айилди қолди, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, кишлоқ ҳўжалиги ривожини техникаларсиз тасаввур қилиш қийин. Ана шу воситаларнинг улуксиз ишлаши учун доимий равишда ёқилги-мойлаш маҳсулотларига эҳтиёж катта. Маҳсулот таннарининг қанақа бўлиши, иш уқини, қолаверса, пировавот иқтисодий самара ёқилги-мойлаш маҳсулотларини тежашга бевосита боғлиқ. Мана шу омилни тўғри қўллаётганлар ишлаб чиқаришдан наф қўришмоқда.

Кейинги йилларда республикада ёқилги-мойлаш маҳсулотлари таъминоти тубдан яхшиланди. Илгариги танқисликларга барҳам берилди. Мавжуд нефт маҳсулотлари корхоналарининг фаолияти тартибга солиниб, ёқилги қўйиш шохобчалари тармоғи қўлайитрилишига эришилди. Самарқанд вилоятида ҳозирги пайтда юридик шахс мақомига эга бўлган «Мароқанд» ва «Нуробод» нефт маҳсулотлари корхоналари, уларнинг Булунғур ва Зибўвуддин филиаллари фаолияти кўрсатилмоқда. Шунингдек, 220 та ёқилги қўйиш шохобчалари бор. Шу туфайли вилоят халқ ҳўжалигининг ва аҳолининг нефт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида Фарғона ва Бухородаги нефтни қайта ишлаш корхоналаридан вилоятга 37 минг 828 тонна бензин, 38 минг 955 тонна дизел ёқилгиси келтирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Ширкат ва фермер ҳўжалиқларини ёқилги-мойлаш материаллари билан таъминлаш доимий равишда диққат-

марказда бўлмоқда. Айтилик, ҳозирга қадар олинган дизел ёқилгисининг 85-88 фоизи кишлоқ ҳўжалик эҳтиёжлари учун сарфланган. Бирок истеъмолчилар томонидан олинган ёқилги-мойлаш маҳсулотлари учун тўловни амалга ошириш аҳоли мутлақ қониқарсиз. Аниқроғи, нефт маҳсулотлари корхоналарининг дебитор қарзлари анча катта миқдорни ташкил этади. Масалан, «Мароқанд» нефт базаси ва Булунғур филиалининг дебиторлик қарзлари 4,3 миллиард сўмдан, «Нуробод» нефт базаси ва Зибўвуддин филиалининг дебиторлик қарзлари эса 3 миллиард сўмдан ошиб кетган. Вилоят прокуратураси Вазир-

кўрилди. Хусусан, «Мароқанд» унитар нефт базаси фойдасига истеъмолчилардан 1,3 миллиард сўмлик, «Нуробод» нефт базасига 601 миллион сўмлик дебитор қарзлари ундириб берилди. Қарзларнинг қолган қисмини ҳам ундириш бўйича вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Бирок шунинг ҳам афсус билан таъкидлаш керакки, айрим жойларда ҳўжалик ва ташкилотларнинг мутасаддилари ёқилги-мойлаш маҳсулотларини тежашга, мақсадли сарфлашга ўта эътиборсиз қарашмоқда. Оқибатда ёқилги маҳсулотларининг талон-торож қилинишига йўл қўйилаётгани нихоятда таъшиланарли-



НОДАВЛАТ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

«АРК» сугурта гуруҳи компанияси аҳоли учун автотранспорт воситаларини комплекс сугурта қиладиган «Эконом», «Стандарт», «Элит» ва «Эксперт» пакетларини жорий этди. Эндиликда юридик ва жисмоний шахслар нафақат юртимизда, балки МДХ ҳамда Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларида ҳам ўз автомобилларида юз бериши мумкин йўл-транспорт ҳодисаларидан, табиий офат ва ёнгиндан, машина ўғирланиши, шунингдек, учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракати натижасида қўриладиган зарарни сугурталаш имконига эга бўлди.

Касаба уюшма тадбири

ЕТАКЧИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотларни изчил амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Яқинда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан ўтказилган бошланғич касаба уюшмаларининг ўқув семинари шу мақсадга қаратилди.



И. ХАСАНОВ олган суратлар

Тўлжон ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволларингизга Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмати ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Гофур Ғойибов жавоб беради

САВОЛ: 1. Интизомий жазоларни қўллаш тартиби қандай? 2. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати ва унинг устидан шикоят қилиш тартиби ҳақида ҳам маълумот берсангиз.



А. Бекмуродов, Сурхондарё вилояти ЖАВОБ: 1. Меҳнат интизомини бузган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 182-моддасида белгиланган бўлиб, уни қўллаш фақат ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар томонидан амалга оширилади. Интизомий жазо чорасини қўллашдан олдин ҳодимдан тушунтириш хати ёзиб бериши талаб қилинади. Ходимнинг тушунтириш хатини ёзиб беришдан бош тортиши унга нисбатан жазо чорасини қўллаш учун тўсиқ бўла олмайд.

нисбатан қўлланилган интизомий жазонинг амал қилиш муддати 1 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ана шу бир йиллик муддат ичида ходимга нисбатан яна бошқа интизомий жазо чораси қўлланилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазо чорасини қўллаган иш берувчи ўз ташаббусига кўра, ходимнинг илтимосига, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига кўра бир йиллик муддат ўтмасдан олдин ҳам жазо чорасини олиб ташлаши мумкин.

Эртанги кунимиз ҳар жихатдан юксак малакали ва маънавиятли мутахассисларга боғлиқ. Бу «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида ўз ифодасини топган. Жиззах политехника институти ҳам ёш олий ўқув юртиларидан бири бўлиб, замон талаблари асосида фаолият юритаётти. Бу ерда 13 таълим йўналишида бакалаврлар ва 6 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади.

Институтида профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Ёш мутахассисларнинг илмий даража ва унвонлар олишлариغا кўмаклашиш, иқтидорли ўқитувчиларга етарли кулайлик яратиш диққат марказимизда турибди. Улар педагог маҳорат ва малакаларини ошириш учун муттасил изланиш олиб боришапти. Фаол, изланувчан ўқитувчилар дифференциаллашган тўлов тизимини буйича олий маошларига 100 фоизгача кўшимча ҳақ оляптилар. Шу билан бирга уларга ўқув

НОМДОР ТАДБИРКОРЛАР БИЗНИНГ ТАЛАБА

сус дастурлар асосида сабоқ оладилар. Хорижий тилларни чуқур ўрганиб, илмий-тадқиқот ишлари билан шугулланадилар. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида, турли қурилиш иншоотларида ва лойihalash ташкилотларида тажриба ўтказдилар. Ёшларга берилаётган эътибор натижаси ўлароқ республика олимпиядаларида совринли уринлар эгалланмоқда. Миллий Дастурнинг иккинчи босқичида замонавий информаци-

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури — амалда

ри олиб келинди. Электрон версиядаги адабиётлардан кенг фойдаланиши ташкил этиш мақсадида 10 та компьютер синфи ва интернет клуби фаолият кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, бугунги кунда ҳар олти талабага битта компьютер тўғри келади. Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш натижасида масофавий ўқитишнинг янги технологиялари ва шакллари яратилмоқда. Уни шакллантириш мақсадида шу соҳани жорий этувчи марказ ташкил этилган. Масофавий ўқитишни ривожлантиришда интернетнинг ўрни бекиёс. Талабаларимиз интернетдан фойдаланиш дунё билан бемалол «тиллашишяпти».

АЁЛ САОДАТИ

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молилаштирилган FINCA International микрокредитлаш дастури мамлакатимизда тадбиркорларга 470,6 минг АҚШ доллари миқдорда кредит ажратди. Ушбу дастур мамлакатимизда бир йилдан бунён фаолият юртимда.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР САМАРА БЕРДИ

Талаба бўлиш истагида юрган йигит-қиз борки, ўқув юрти таянганда аввало ташкил сифатида, ўқитиш усулига қизиқсиз. Уқишга шартнома асосида кирса ҳам бу даргоҳда тўлаётган пулгач яраша билим бериладими, йўқми деган савол устида бош қотиради. Юртимизда унлаб институт ва университетлар мавжуд. Талаба имконияти бор. Истаганида ўқийди. Шундай экан ҳар бир ўқув юрти ўз имкониятидан қилиб чиқиб, таълим сифатини ошириш, ўқитишда илгор, замонавий технологиялардан фойдаланишга интилади. Бунинг истагани институт ёки университет мисолида кўриш мумкин. Шу жумладан ўзининг 10 йиллик тўғрисида нишонлаётган Жиззах политехника институти ҳам салмоқли ишлар амалга оширилляпти. У ерда барча соҳаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтиш жоиз.

ЭРТАМИЗ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Ешлар маънавий баркамол бўлишлари учун олган билимларини мустаҳкамлаб, уни муттасил ошириб боришлари талаб этилади. Чунки маънавият инсонни пок-ланаш ва юксалишга даъват этадиган қудратли ғоявий кучдир. Фарзандларимизни соғлом гоғлар асосида Ватанга садоқат, миллий кадрият ва аъёналарга ҳурмат, танлаган йўли, касбига содиқлик руҳида тарбиялаш асосий вазифамиздир. Бинобарин, маънавият ва маърифат ишларининг амалда баҳариланиши таъминлаш мақсадида институтида «Маънавият бўлими», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институти бошланғич ташкилоти, Хотин-қизлар кенгаши ва институт касаба уюшма қўмитаси биргаликда режа ишлаб чиқишган. У белгилан берадиган барча вазифаларни баҳарлидан ҳаракат қилишга, жумладан, «Фидойий ёшлар», спорт, ижодкорлар ва истеъдодли ёшлар клублари ташкил этилган бўлиб, улар ёшларни ўз атрофига бириштиради. Мураббийлик соатлари ҳам талабаларимиз ҳулқ-атвори, дунёқара-



равий иммунитет ҳосил қилдириш ўқитувчи ва мураббийлар олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Бу борада ички ишлар идоралари, вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда диний экстремизм, ақиданасрастлик, гиёҳвандлик каби иллатлар, уларнинг оқибатлари тўғрисида ўтказилаётган тадбирлар анча фойдали бўлаётти. Қўзланган мақсад — ёшларимизнинг ҳар томонлама тўғри шаклланишига эришишидир.

Дилбар СОАТОВА, маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор

Очик Жамият институти, СОРОС, АКСЕЛС ва АЙРЕКС фондлари билан янги лойиҳалар устида ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Жумладан, ўтган йили улар билан қатор лойиҳалар амалга оширилди. Бундан ташқари, Ўзбек-Америка академияси билан ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилмоқда. Мухандислик-иктисодий факультетининг 2 нафар ўқитувчиси мазкур академияда малака ошириб қайтди. Ўқитувчи М.Ҷой АҚШнинг халқаро «START» ривожланиш агентлигининг ўқув дастурида қатнашди. Шу билан бирга бир гуруҳ ўқитувчилар Юртобшомиз ташаббуслари билан қайта ташкил этилган «Истеъдод» жамғармаси орқали Россиянинг нуфузли олий ўқув юртиларида малака ошириш ва тажриба алмашиш имкониятини кўлга киритгани ҳам қувонарли ҳол. Шу кунларда мазкур жамғарма томонидан эълон қилинган чет эл олий ўқув юртилари ва илмий марказларида малака олишириш танловларига қизгин тайёргарлик қўриляпти. Бу ишда халқаро алоқалар бўлими томонидан ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, бўлим томонидан Германия таълим тизимини билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, докторант, магистрлар ҳамда талабаларнинг немис мутахассислари билан тажриба алмашишлари учун шароит яратилляпти. Германия академик алмашинувлар хизмати - ДААД билан алоқалар ўрнатилиб, ташкил этилаётган конференцияларда ўқитувчилар мунтазам иштирок этаётирлар. Бундан ташқари, ДААДга аъзо бўлиш чоралари ҳам қўриляпти. Ёшларни ҳар томонлама етук мутахассислар қилиб тайёрлаш жуда мураккаб ва масъулятли масала. Бу жараён кишидан катта билим ва юксак малака талаб этади. Юртобшомиз спортни омаллаштиришда алоҳида эътибор қаратар эканлар, энг аввало, соғлом фикрли авлодни камол топтиришни назарда тутадилар. Жиззах политехника институтида бу йўналишда ҳам қатор ишлар қилиняпти. Кези келганда К.Юсупов, В.Ҳошимов, А.Бозоров каби қатор ўқитувчилар хизмати алоҳида айтиб ўтиш лозим. «Универсиада - 2002» уйинларида қатнашган талабалар юқори кўрсаткичларга эришди ҳам айнан жонқуяр устозлар меҳнати натижасидир.

Расположеного по адресу: Ташкентская область, Чиназский район, п. Эски-Ташкент Код ОКПО 14910616, ИНН: 200453562 Доводит следующие сообщения: 1. Сообщение 07 (наступление даты закрытия реестра) 21 мая 2004 года Наблюдательным Советом ОАО «Таъминотчи Пахта» принято решение и закрытия реестра акционеров на дату 22 мая 2004 года. 2. Сообщение 09 (решение очередного годового общего собрания акционеров). Вид общего собрания - годовое. Форма проведения общего собрания - очная. Дата проведения общего собрания - 22 июня 2004 года. Место проведения общего собрания - п. Эски-Ташкент Чиназского района, конферензал ОАО «Таъминотчи-Пахта». Кворум общего собрания - в собрании приняли участие акционеры и их полномочные представители, обладающие в совокупности 99131 голосами, что составляет 72,6% от общего количества размещенных голосующих акций общества. Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним, Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

ИНФОРМАЦИЯ О существом факте, событии, действии эмитента ОАО «Таъминотчи Пахта» По первому пункту повестки собрания: Отчет Председателя Наблюдательного Совета за 2003 год. - Утвердить отчет Председателя Наблюдательного Совета за 2003 год. "ЗА" 99131 "ПРОТИВ" НЕТ "ВОЗДЕРЖ" НЕТ По второму пункту повестки собрания: Отчет Исполнительного органа по итогам 2003 года и выполнение годового бизнес-плана - Утвердить отчет Исполнительного органа и выполнение бизнес-плана за 2003 год. "ЗА" 99131 "ПРОТИВ" НЕТ "ВОЗДЕРЖ" НЕТ По третьему пункту повестки собрания: - Заключение трудового договора о найме руководителя Исполнительного органа сроком на один год - Заключение трудового договора о найме руководителя Исполнительного органа сроком на один год. "ЗА" 99131 "ПРОТИВ" НЕТ "ВОЗДЕРЖ" НЕТ По четвертому пункту повестки собрания: - Утверждение бизнес-плана на 2004 год - Утвердить бизнес-план на 2004 год. "ЗА" 99131 "ПРОТИВ" - НЕТ "ВОЗДЕРЖ" - НЕТ По пятому пункту повестки собрания: - Утверждение годового бухгалтерского баланса по результатам аудиторской проверки. "ЗА" 99131 "ПРОТИВ" НЕТ "ВОЗДЕРЖ" НЕТ По шестому пункту повестки собрания: - Утверждение и заключение ревизионной комиссии по годовому балансу - Утвердить заключение ревизионной комиссии по годовому балансу. "ЗА" 99131 "ПРОТИВ" - нет "ВОЗДЕРЖ" - нет По седьмому пункту повестки собрания: Утверждение результатов аудиторской проверки - Утвердить результаты аудиторской проверки по годовому балансу. "ЗА" 99131 "ПРОТИВ" - нет "ВОЗДЕРЖ" - нет По восьмому пункту повестки собрания: - Утверждение распределения чистой прибыли - Утвердить размер чистой прибыли.

3. Сообщение 05 (начисление и выплаты дивидендов по акциям ОАО «Таъминотчи-Пахта»), и сообщение 08 «Наступление сроков исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг» 22 июня 2004 года на отчетном общем годовом собрании акционеров по итогам деятельности общества за 2003 год принято решение о выплате дивидендов в размере 408,566 сум на одну акцию. Срок выплаты дивидендов не более 60 дней с момента решения о выплате дивидендов, то есть до 22 августа 2004 года. Количество акций, на которые начислены и будут выплачены дивиденды, составляет 136590 штук. Все акции ОАО «Таъминотчи-Пахта» простые именные, размещены и выкуплены полностью.

Надиржон ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири

